

ҲАМЗА ШИНВОРИЙ ИЖОДИДА ЖАНРЛАР РАНГ-БАРАНГЛИГИ

Сардор Қорабоев

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

АННОТАЦИЯ

Ҳамза Шинворийнинг ярим асрдан кўпроқ ижодий изланишлар самараси бўлган асарлари ҳажм ва мазмун жиҳатдан жуда бой. Узоқ йиллик ижодий изланишлар ҳажм ва мазмун жиҳатдан ташқари жанрий ранг-барангликка ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Ҳамза адиб сифатида йирик мерос қолдирган ижодкор бўлиб, насрий асарлари йирик романдан тортиб кичик ҳажмли ҳикоя, эссе ва мақолаларгача бўлса, шеърияти газалдан бошлаб рубоий, қитъа, қасида, фард каби жанрларни ташиқил этади. Ушбу мақолада адиб ижодининг жанрлар ранг-баранглиги таҳлил остига тортилган.

Калим сўзлар: *наср, назм (шеърият), жанр, насрий жанрлар, анъанавий шеърий жанрлар, газал, рубоий, қитъа, қасида ва фард.*

ABSTRACT

Hamza Shinvari's works, which are the result of more than half a century of creative research, are very rich in volume and content. Long-term creative research has had a positive effect on genre diversity, in addition to volume and content. Hamza is a creator who has left a great legacy as a writer. His prose works range from large novels to short stories, essays and articles, and his poetry includes genres such as rubai, qita, qasida, fard, starting from ghazal. In this article, the variety of genres of literary works is analyzed.

Key words: *prose, verse (poetry), genre, prose genres, traditional poetic genres, ghazal, rubai, qita, qasida and fard.*

КИРИШ

Ҳамза Шинворий ижоди унинг ярим асрдан кўпроқ, аниқроғи олтмиш йиллик ижодий изланишлар самарасидир. Шунинг учун у ҳажм ва мазмун жиҳатдан жуда бой. Бу узоқ йиллик ижодий изланишлар жанрий ранг-барангликка ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Ҳамза истеъдодли сўз санъаткори сифатида адабий жараённинг ҳар иккала қиррасида – анъанавий ва замонавий жанрларда фаол ижод этди. Унинг анъанавий йўналишдаги ижоди асосан шеъриятга, замонавий жанрлардаги ижоди наср ва драматургияга тўғри келади. Ҳамза адиб сифатида йирик мерос қолдирган ижодкордир. Унинг насрий асарлари жанр жиҳатидан ҳам хилма-хиллиги билан ажралиб туради. У йирик романдан тортиб кичик ҳажмли ҳикоя, эссе ва мақолалар муаллифидир. 1944-

1953 йиллар орасидаги ёзган ҳикоялари “Жвар фикруна” – (“Теран фикрлар”) номли ҳикоялар тўплами сифатида чоп этилди. Бу тўпландаги ҳикоялар мавзу доираси жиҳатидан турлича бўлиб қолмай, уларни жанр жиҳатидан классификация қилиш ҳам мушқил. Масалан, тўпландаги “Саритўб” – (“Инсонийлик”), “Дъ камтарей ихсос” – (“Камтарлик ҳисси”) ва “Тамаддун ав инсоният” – (“Маданият ва инсоният”) каби асарлари муаллифнинг шахсий фикрлари, мулоҳазалари ва кечинмалари эркин ифодаланган эссе шаклида бўлса, “Танқид”, “Хушҳолхон ав дъ ҳағи шоири” – (“Хушҳолхон ва унинг шеърляти”), “Дъ пашту ғазал” – (“Пушту ғазали”), “Дъ Раҳмон Бобо комила ақида” – (“Раҳмон Бобонинг мустаҳкам ишончи”), “Дъ Жўш Малиҳободий ғазал” – (“Жўш Малиҳободийнинг ғазалиёти”), ва “Пашту бъ ценга таракқий кави” – (“Пушту тили қандай ривожланади”) каби асарларида Ҳамзанинг илмий таҳлил ва хулосалари келтирилган ва юқорида санаб ўтилганлар мақоланинг барча шартларига тўла жавоб беради. “Наве цапе” – (“Янги мавжлар”) романи ўз давридаги долзарб масалага бағишланган ва маълум давр ҳаётини ажойиб тарзда тасвирлаб бера олувчи романнинг мукамал намунаси бўлса, “Дъ Ҳижоз пъ лор” – (“Ҳижоз йўлида”) асари сафарнома жанрининг пушту тилидаги ёрқин намунасидир. Унда муаллифнинг Ҳаж сафари тасвирланган бўлиб, саёҳат Ҳамзанинг ота юрти Ланди Кўтал Сарайдан автобус орқали Маккайи Мукаррамага йўлга чиқиш билан бошланади. Муаллиф Афғонистон, Эрон, Ироқ ва Қувайт орқали Саудия Арабистонига кириб боради ва саёҳат давомида кўрган кечирганларини эркин тарзда қоғозга тушириб боради.

1976 йилда Ҳамзанинг урду тилида ”Мере зиндаги” – (“Менинг ҳаётим”) номли автобиографик асари чоп этилди. Ҳамзанинг пири муршиди Саид Абдусаттор Шоҳга бағишланган асари тазкира жанрида ёзилган бўлиб, 1970 йилда ”Тазкирайи Саттория” номи остида чоп этилди.

Ҳамза драматургия соҳасида ҳам катта ютуқларга эришган ёзувчидир. У илк сценарийнавис сифатида ҳам пушту адабиёти тарихига муҳрланди. У ёзган ”Лайли Мажнун” сценарийси асосида биринчи пушту филми дунё юзини кўрди. У Пешовар радиосида ишлаб юрган даврида радио учун икки юздан ортиқ турли ҳажмдаги пьесалар ёзди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳамза шеърляти фақат мавзу доираси кенглиги билан эмас, турли жанрлар силсиласини оригинал ифодасини билан ҳам диққатга сазовордир. У ғазал, рубоий, қитъа ва қасида каби анъанавий жанрларда баракали ижод қилди.

Шоирнинг шеърлий қобилияти ғазал шаклида намоён бўлди. Унинг меҳнатлари натижасида пушту тилидаги ғазал ўзининг юқори такомил

босқичига кўтарилди, ғоявий-бадий жихатдан анча юксалди. Шоирнинг ишқий мавзуда ёзилган ғазаллари содда, халқона, шу билан бирга, жозибали, сўфиёна ташбеҳларга бойлиги билан ажралиб туради. Масалан “Кимман?” номли ғазалида

د وصال اويو دی اور د هجران سور کر
ما حمزه په مرو حساب مه کره که سکور يم¹

Яъни: Висол сувинг ҳижрон алангасини ўчирди,
Мен Ҳамзани кўмирдек куйганлигим учун ўлди, деб ҳисобламагин,
деб “висол суви”, “ҳижрон алангаси” каби кўчимларни келтиради ва сенинг ҳажрингда ёндим, лекин ҳали ўлганим йўқ, сен ўз вақтида келиб, висол сувинг билан менинг ҳижрон оловимни ўчирдинг, демоқчи бўлади.

Унинг “пушту ғазалининг отаси” сифатида машхур бўлиши ғазал жанрида ёзган шеърларининг ҳажман кўплигидан эмас. У пушту ғазалини янги босқичга олиб чиқди. Таъкидлаш лозимки, Амир Ҳамза Шинворий Афғонистон худудида яшамаган бўлсада, у ердаги воқеа-ҳодисалардан хабардор эди ва ижтимоий-маданий, айниқса, адабий жараёнларни ҳис этиб борди. Афғонистондаги пушту тилини ривожлантиришга бўлган ҳаракатлар унинг ижодига ҳам таъсир этмай қолмади. Шинворий мазмунан севиқли ёрга бағишланади, деб ҳисобланган ғазал жанрига миллий ғурур мавзусини олиб кира олди.

XX асрнинг биринчи ярмида пушту адабиётида миллий истиқлол билан бирга миллий бирлик мавзуси ҳам долзарб мавзулардан бирига айланди. Шинворий *وحدت د ملت* – (“Миллий бирлик”) шеърида пуштун халқининг турғун ҳаёти ва қолоқлигининг асосий сабаби сифатида тарқоқлик ва ўзбошимчаликни келтиради.

وحدت د ملت
وحدت د عمل راشی چه وحدت او شی د خیال
کثرت د غم جمود دئ ، چه په قام کښي خان خانی شی
ویالی رسی سیندونو ته ، سیندونه سمندر ته
آخر خو رسیده دی ، خو پیدا چه روانی شی
ملت شو هغه کس چه خان یی ورک کر په ملت کښي
یو سیند شی سمندر ، په سمندر کښي چه فانی شی
تارونه د خیال دی مختلف وی باری څه شو
نغمی د یو اصول ته چه په تر شی آسانی شی
په باغ کښي بوتی باغ دی بی له باغه پخپل نوم وي
بېلتون له جمعیته ، وچولی پرېشانی شی
یو فرد لکه د څاڅکی نه پرې لوند نه پرې خروبه

¹ Абдурауф Бенаво, “ اوسنی لیکوال ”, Кобул-1967, 278-бет

سر سبزه شی چه جل وهلی مزکه بارنی شی
دک کور د آیینی وی د کثرت نه د عکسونو

له خپله ځانه روندو ته ورپاتی حېرائی شی²

Таржима:

Миллий бирлик

Фикрий бирлик бўлса, иттифоқ вужудга келади,

Юртда ғам кўпаяди, эл ичида ман-манлик
бўлса.

Сойлар дарёларга, дарёлар уммонга етади,

Охир етиб боради йўлида собит давом этса.

Миллат ичида ўзини ўзини йўқотган киши миллат бўлади,

Дарё денгиз бўлади, денгиз ичида фоний бўлса.

Ҳаёл пардалари турли бўлса, самара қандай бўлади,

Наво ҳам осон бўлади, бир услубда чалинса.

Жамиятдан айрилиш паришонлик ва сўнишдир!

Боғ ичида бўлса у боғдир, гарчи-да у бута бўлса.

Ёлғиз инсон томчидир: на суғоради, на хўл қилади,

Қақраган ер ям-яшим бўлади, агар унга ёмғир ёғса.

Киши ўз аксини кўриб хайрон қолади,

Кўзгу тўла уйга кирса.

Шинворийнинг маҳорати шундаки, у анъанавий жанрларга замонавий мавзуларни олиб кирди. Шу билан бирга анъанавий кўчим ва рамзларни ҳам қойилмақом тарзда қўллай олди. Масалан, **نننى پښتون** - “Бугунги пуштун” шеърда шарқ мумтоз шеърятда жуда кенг тарқалган шам ва парвона рамзини куйидагича қўллайди:

زه د مړې شمعی پتنگ يم³

Таржима: Мен сўнган (ўчган) шамнинг парвонасиман.

Бунда шоир икки фикрни илгари сурмоқчи бўлади. Биринчи - шоир унинг шами сўнганини, яъни, маъшуқасидан ажралганлигини, бахтсизлигини ифодамоқчи бўлса, иккинчи ғоя шуки, у шами сўнган бўлса ҳам, шу шамнинг парвонаси, яъни, унга вафодор, содиқ эканлигини ифодамоқчи бўлади. Бундай пурмаъно анъанавий образлар шоир шеърятда кўплаб учрайди.

Ҳазал шарқ шеърятда кенг тарқалган жанр бўлиб, ўрта аср шоирлари ижодида етакчи мавқеъни эгаллайди. Ҳамза ижод майдонига кириб келган пайтда пушту адабиётда ғазал ҳали ўз мавқеъини йўқотмаган эди. Лекин XX

حمزه شنواری ، غزونی ، پښاور - ۱۹۵۶ کال ، ۱۷۱ مخ²

حمزه شنواری ، غزونی ، پښاور - ۱۹۵۶ کال ، ۲۸۱ مخ³

аср бошларида бу жанр турғунлик ҳолатида эди. Ғазал ҳали ҳануз ўрта асрдаги ишқий лирика тарзида ёзиларди. Ҳамза ғазалчилик такомилида муайян ўзгаришларни амалга оширди. У жамият ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-маданий янгиланишни, эркинликка интилиш кайфиятини ҳисобга олган ҳолда, пушту ғазалчилигини эркесварлик ва ҳуррият мотивлари билан бойитди, мазмунан такомиллаштирди. Ҳамза ижоди натижасида пушту ғазали янги йўналишга эга бўлди ва янги мақсадларни ифодалай бошлади. Бу ғазалнинг талқин услубига ҳам таъсир этди. Анъанавий ғазалиётда романтик – руҳий тасвир устивор бўлса, Ҳамза ижод этган замонавий ғазалда реалистик – ҳаётий тасвир услуби етакчилик қила бошлади. Ҳамзанинг саъй-ҳаракатлари ва ижодий изланишлари натижасида анъанавий ғазаллардаги бош лирик қаҳрамон – ошиқ миллий-ватанпарварлик руҳи билан тўлиб тошган маърифатли ва эркесвар инсон образи билан алмаша борди.

Ҳамза Шинворий ғазал бобида ўз даврида тенгсиз деб топилган бўлсада, унинг рубоий жанрида яратган шеърлари ҳам ўзининг кенг фалсафий қарашлари, чуқур мушоҳадалари билан ажралиб туради. Бу рубоийларда ҳаётни, инсонни англашга интилиш, инсоннинг ўзини англашга бўлган тасаввуфий қарашлари акс этган. Шу ўринда рубоий ҳақида икки оғиз сўз. Бу жанрнинг асосгузори Рўдакий бўлсада, уни юқори такомил босқичга кўтарган шахс бу Умар Хайём эканлиги ҳаммага маълум. Унинг хизматлари натижасида рубоий шарқ мумтоз шеърлигида кенг тарқалди. Мавзу доираси такомиллашиб, жанр сифатида юксалди. Хайём рубоийларидаги “май” мавзуси эса ҳали-ҳануз баҳслилигича қолмоқда. Баъзи олимлар унинг рубоийларидаги “май”, “кўза”, “қуллол” образларини тасаввуфий рамзлар деб ҳисоблашади. Бунга асос сифатида ўрта асрлардаги тасаввуфнинг адабиётга кучли таъсири, нафақат таъсири, умуман, бадий адабиёт билан қоришиб кетганлиги ва “тасаввуфсиз ўрта аср шарқ адабиётини тушуниш мумкин эмас” деган ғояларни кўрсатишади. Хайём шахсияти ҳам уларнинг фикрини тасдиқлагандек, чунки у буюк астроном ва математикгина эмас, кучли мутафаккир олим ҳамдир. У фақатгина дунёвий май тўғрисида содда маънодаги шеърлар ёзиши мумкин эмасдек. У математик бўлганлиги учун ҳам шу кичик тўртликка олам-олам маъноларни сиғдирмоқчи бўлгандек. Олимларнинг бундай фикрга келишларига яна бир сабаб унинг “май” билан бирга “қуллол” ва “кўза” образларининг қўллашидир. Бундай хулосага асосан шарқ олимлари келишади. Профессор Нажмиддин Комилов таъбири билан айтганда “Хайёмни фақат майни тарғиб этган маишатпараст бир кимса, бодахўрлар пири деб тушуниш бағоят янглиш

қарашдир. Бу Хайём рубоиёти мағзини чуқур англаб етмаслик, уни примитив, жўн ва дағал шархлаш оқибатидан келиб чиқади”.⁴

Лекин кўпчилик олимлар Хайёмнинг ижодини тасаввуф адабиётига дахлдор эмас, деб ҳисоблашади. Бунга кўра унинг “май” образи илохий ишқни тараннум этмайди ва “кўза” ҳамда “кулол” образлари ҳам кўчма маънода ишлатилган бўлиши мумкин, лекин тасаввуфий маъно касб этмайди. Хайёмнинг ғарб орқали машхур бўлиши бундай фикрлар асоси бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, Хайём ижоди рубоий жанрини мукаммал даражага кўтарди, уни ҳаётий кечинмалар ва фалсафий фикрларни ифодалаш учун қулай ва тугал тўртлик шаклига келтирди. Ўзбек тилида рубоийнинг асосчиси Навоий дейиш мумкин. Чунки Навоийгача Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” ва Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асарларида учрайдиган тўртликлар рубоий талабларига жавоб бермайди. Рубоий ҳазаж баҳрининг ахраб ва ахрам шажараларида ёзилиши керак. Юсуф Хос Ҳожибнинг тўртликлари мутақориб ва Аҳмад Тарозийнинг туркий тўртликлари рамал баҳридадир.⁵ Навоийдан бошлаб ўзбек тилидаги рубоийлар ҳам ҳазаж баҳрида ёзилиши қатъий қоида тусини олди. Рубоий икки қофияланиш тартибига эга:

1. а-а-б-а; Учинчи мисра очиқ қоладиган бу тартиб “хосий рубоий” дейилади ва бу рубоийнинг кенг тарқалган туридир.

2. а-а-а-а; “Таронайи рубоий” деб номланадиган бу тартиб асосан Навоий даврида урф бўлган. Навоий ўзбекча рубоийларининг 95 фоизи, форсий рубоийларининг 100 фоизи шу тартибга тегишли.⁶

Пушту тилидаги илк рубоийлар рўшоний шоирлар – Арзоний Хешкий ва Али Муҳаммад Мухлис қаламларига мансуб. Афғоншунос олим, профессор А. Маннонов ўзининг “Рошанийская литература” китобида Али Муҳаммад Мухлис девонида 123 та,⁷ Арзоний Хешкий девонида эса 570 та⁸ рубоий мавжудлигини қайд этган. Машхур афғон шоир ва адиби Хушхолхон Хаттак пушту тилидаги рубоийни юксалтирди. Унинг хизматлари натижасида пушту рубоий хазинаси янада бойиди. У а-а-б-а тартибда қофияланадиган хосий рубоийлар ёзган бўлиб, улар асосан панд-насихат мавзусида:

Панду-насихатни тинглагай оқил,
Сен ҳам насихатни тинглаганга қил.
Менинг пандим шуки, ким ўз косасин

⁴ Комилов Н., Тафаккур карвонлари, Тошкент-2011, 249 бет

⁵ Қурононов Д., Мамаджонов З., Шералиева М., Адабиётшунослик луғати Тошкент-2010, 260 бет

⁶ Қурононов Д., Мамаджонов З., Шералиева М., Адабиётшунослик луғати Тошкент-2010, 260 бет

⁷ Маннонов А., Рошанийская литература, Тошкент-2006, 131 бет

²³² Маннонов А., Рошанийская литература, Тошкент-2006, 116 бет

Синдирса ўзгага мухтож бўлур бил.⁹

XX аср пушту адабиётида рубоий жанрининг тараққиётига хисса қўшган Фазли Муҳаммад Маҳфий, Абдул Акбархон Акбар, Самандархон Самандар, Ажмал Хаттак, Қаландар Мўманд, Ғулом Муҳиддин Афғон, Гул Почо Улфат каби шоирларни келтиришимиз мумкин. Улар орасида Амир Ҳамза Шинворий ўз рубоийларининг чуқур фалсафий мушоҳадаларга бойлиги билан ажралиб туради. Ҳамзанинг рубоийлари сони анчагина ва мазмун жиҳатдан бой. Унинг рубоийлари билан дастлабки танишувда-ёқ Ҳамзанинг ижодини рубоийларисиз тўлиқ тасаввур этиш мумкин эмаслиги кўзга ташланади. Чунки рубоий тўрт мисралик кичик ҳажмли жанр бўлса ҳам, Ҳамза шу тўрт мисрада инсон ҳаётидаги анча долзарб бўлган муаммони тугал фикр билан ифодалай олган. Ўз навбатида бадий санъатларни, айниқса, анъанавий бадий санъатларни моҳирона қўллагани ўрта асрлар шеърлятига хос тасаввуф рамзларидан усталик билан фойдалангани унинг рубоийларига ўзгача бир рух бахш этган. Унинг рубоийларида умумшеърятга хос бўлган ишқ мавзуси устивор. Бу ишқ ҳақиқий ишқ сифатида тасаввуфий рамзлар билан яратилади. Масалан, қуйидаги рубоийда ишлатилган тасаввуфий истилоҳларни билмасдан унинг маъносини англаб бўлмайди.

واصل په جوش کښي وی سینه نه وینی
بر په برجل چه شی، نو زینه نه وینی
شنواریه اوخی نسبت له مېنځه
څوک چه خپل عکس وینی، آینه نه وینی¹⁰

Таржима: “Восил ҳолда ўзини билмайди

Кўтарилган сари зина кўринмайди.

Шинворий орадан нисбатни кўтар

Ўз аксини кўрган ойнани кўрмайди.”¹¹

Ҳамзанинг бундай нозик масалаларни ёритишда анъанавий рамзларни қўллаши унинг тасаввуф фалсафаси ва унинг бой адабий меъросининг нақадар кучли билимдони эканлигидан далолат беради. Чунки машҳур мутасаввуф олим Жалолиддин Румий ҳам инсон ўзлигини англаши ҳақида фикр юритар экан, буни айнан ойна образи орқали ифодамоқчи бўлади: “Амир ойнага ўхшайди. Унинг сифатлари эса ойнанинг орқасига ишланган олтин ва қимматбаҳо инжулар кабидир. Улар ана шу инжуга боқишади, кўзлари ойнанинг орқасида. Ойнага ошиқ бўлганларнинг кўзлари эса олтинларда эмас.

⁹ Маннонов А., Афғонистон халқлари фолклори ва мумтоз адабиёти тарихи, Тошкент-2001, 95-бет (Таржима Э. Воҳидовники)

¹⁰ حمزه شنواری، غزونه، پښاور، ۱۹۵۶

¹¹ Таржима муаллифники

Булар ойнани ойна эканлиги учун севишади. Чунки унда гўзал бир юзни кўрганлари учун қарашлари билан ичлари сиқилмайди”.¹²

Шоир рубоийларини таҳлил қилар эканмиз унинг ҳаёлини сўфиёна қарашларда бўлганидек олам ва одам муамолари банд қилганини кўрамыз.

که جمع غواری نو خرخ دی جمع کره
چه خرخ دی جمع شی جمع طمع کره
تپل دی بی کاره دی چه بی له کاره دی
محفل ربا غواری روبنا نه شمع کره¹³

Таржима: “Агар йиғишни хоҳласанг, барча барча нарсани жамла
Ҳамма нарса жамлангач, жамланганни талаб қил.
Агар қўлингдан бир иш келмаса – бекорчисан
Жамоат, яъни, кўпчилик ёруғлик истаса шамни ёқ.”¹⁴

Бунда шоир бутун олам инсон учун яратилган, шунинг учун инсонни оламдаги барча нарсани талаб қилишга ҳаққи бор демоқчидек бўлади ва шу билан бирга инсон шунга муносиб бўлиши керак, унинг қўлидан кўп иш келади, у жамиятга, инсониятга ўз иқтидорини ва салоҳияти билан фойда келтириши керак, дейди.

Олам ва одам ҳақида фикр юритадиган олимлар орасида ўз қарашларини шеърый йўл билан ифода этадиган мутафаккирлар ҳам талайгина. Уларнинг аксарияти ўз фалсафий қарашларини тингловчига рубоий орқали етказишга ҳаракат қилишган. Адабиётларда рубоийнинг “лириканинг фалсафий жанри” деб юритилиши бежиз эмас. Чиндан ҳам ҳикмат, яъни фалсафа – рубоийнинг мағзи. Шунинг назарда тутиб тасаввуфшунос олим, профессор Нажмиддин Комилов рубоийни “ҳис ва фикрларнинг қаймоғи” деб атаган¹⁵. Рубоийда фалсафийликнинг чуқурлашуви унда тасаввуфий ғояларнинг ишлатилиши билан боғлиқ. Рубоий айти шу тасаввуф таълимоти туфайли ҳақиқий шуҳрат топди. Зеро рубоий тасаввуф адабиётининг тамал тошини қўйган жанр¹⁶.

Амир Ҳамза Шинворийнинг шеърларида мумтоз адабиётнинг муаттар хиди билан бирга ўз даврининг долзарб муаммоларига, миллий кадриятларга ва умуминсоний масалаларга бағишланган рубоийлар ўзгача тароват уфуриб туради.

Ҳамза тасаввуфда чиштия тариқати вакили бўлиб, чиштия моҳиятан нашқбандийлилик тариқатининг Ҳиндистон ҳудудидаги шаклидир. Унда

¹² Жалолидин Румий, Ичиндаги ичиндадур, Улуғбек Ҳамдам таржимаси, Тошкент-2003, 80-бет

¹³ حمزه شنوارى ، غزونه ، پشاور ، ۱۹۵۶

¹⁴ Таржима муаллифники

¹⁵ Комилов Н., Хатолар бор аммо... Ўзбекистон адабиёти ва санъати – Тошкент, 1992, 15-май

¹⁶ Очилев Э., Рубоий таржимасида шакл ва мазмун бирлиги – Тошкент, 1994. Б.9.

таркидунёчилилик, дунё, оиладан кечиш каби одатларга қарши инсондўстлилик, меҳнатсеварлик, ҳаллолик каби ғоялар илгари сурилади.

Унинг рубойлари мазмунидан шоирнинг пири Шайх Абдусаттор таъсирига тушганини ва тасаввуф уммониغا ғарқ бўлганини кўриш мумкин. Эътиборли томони шундаки, бу таълимот Ҳамза ижодига мўътадиллик бағишлаган. Шунинг натижасида аксарият пуштун шоирлари каби Ҳамза ижодида реакцион исёнкорона фикрлар ўрнини мўътадил, гуманистик руҳдаги қарашлар, ҳаёт ва ишқ фалсафасининг моҳиятини теран англашга ва буни панд-насихат оҳангида талқин этишга асосланган ғоялар эгаллаган.

Рубойда шоирнинг нақадар юксак маҳорат эгаси эканлигини кўрамиз. У қўллаган анъанавий бадий санъатлар рубойнинг жозибадорлигини, айниқса, бетакрор оҳангдорлигини таъминлаган. Айтиш жоизки, шу тўрт мисранинг ичида шоир ташхис, таносиб, радд, айниқса, ҳам иштиқоқ, ҳам шибҳи иштиқоқ санъатларини қўллай олгани унинг нодир истеъдод эгаси эканлигидан далолат беради. Тўртинчи мисрадаги биринчи сўз “маҳфил” “тўғарак”, “мажлис” маъноларини беради. Лекин шоир уни шахсга хос сифатлар билан зийнатлайди ва уни жонлантиради. “Рано”, “рўшона”, “шам” сўзлари эса таносиб яъни бир тушунчани – ёруғлик тушунчасини берувчи сўзлардир. “Жам”, “ҳар цъ”, “ди”, “ғвори” ва “кор” сўзларининг қайта-қайта ишлатилиши эса радд яъни бир сўзни турли ўринларда такрорлаш санъатини вужудга келтирмоқда. “Жам”, “жам кавил”, “жам кедил” сўзлари бир ўзакдан ҳосил бўлган сўзлар бўлиб бу иштиқоқ санъатидир. Иштиқоқ санъати рубой оҳангдорлигини таъминлаган ва шу билан бирга биринчи мисрадаги “жам ғвори” сўзи омоним яъни икки маънони: биринчиси “жами, ҳамма нарсани хоҳласанг” ва иккинчиси “жамлашни, йиғишни, тўплашни хоҳласанг” маъноларини ифодаламоқда. Шибҳи иштиқоқ эса ўзакдош, маънодошга ўхшаб кўринадиган, лекин маъно жихатдан фарқланадиган сўзлардир. Учинчи мисрадаги “бе кора ди” ва “бе ле кора ди” иборалари ўхшаш бўлсада, айнан бир хил маъно англатмайди, балки иккинчи ибора биринчи иборани далиллаш маъносида келтирилган. Чунки биринчи иборада “бекорчисан” маъноси ифодаланган бўлса, иккинчи иборада “қўлингдан бир иш келмаса маъноси англашилади. Яъни “қўлингдан бир иш келмаса – бекорчисан”. Шинворий рубойлари мазмунига чуқурроқ кириб борсак, уларда инсон дуч келиши мумкин бўлган кўпгина муамоларни кўришимиз мумкин. Инсон руҳиятидан келиб чиқиб бу дунё ҳо-ю ҳавасларига берилиш бойликка ружу қўйиш каби жамият илатларини қоралайди, уларга қарши сабр-тоқат, қаноат ва сахийлик каби сифатларни улуғлаб чиқади.

غنى چه هرچا لره خه ورکا

بیا بی زبادنه ورشی په ورکا
غنی بی مه گڼه، غنی هغه دی
غر د نیکی چه د مچ وزر کا¹⁷

Таржима: Бой кимгадир бир нима берса,

Кейин берганини миннат қилади.

Буни бой ҳисоблама, бой удирки

Тоғдек қилган яхшилигини пашша қанотичалик билади.¹⁸

Ҳимматли ва саҳий бўлган инсонгина бойдир. Ҳимматли инсон қилган саҳийлигини миннат қилмайди. Инсонларга тоғдай яхшилик қилиб, қилган ишини пашшанинг қанотичалик ҳам билмайдиган одам бойдир, дейди шоир. Бу бизнинг “ўнг қўлинг билан берганингни чап қўлинг билмасин” тушунчамизга тўғри келади.

حمزه څه شی په دا که مال او زر لری څوک
مالک د تخت او تاج وی او لښکر لری څوک
په سترگو کښی جوهور چه د حیا نه لری
تری تښته په دُنیا کښی که کوثر لری څوک¹⁹

Таржима: Ҳамза, кимдир мол-дунёга эга бўлса, нима қилибти

Тожу тахт ва лашкар эгаси бўлса, нима қилибти

Кўзида ҳаёнинг жавҳари бўлмаган

Қоч ундан ким ҳою ҳавасни дунёнинг кавсари билибти.²⁰

Ушбу рубоийда Ҳамза жамиятдаги кенг тарқалган иллатлардан бири лаганбардорликни қоралайди ва мол-дунё, тожу-тахт барчаси ўткинчи деган ғояни илгари суради ва сўнгги мисрани дунё ҳою-ҳаваслари кетидан кувадиганлардан қоч деган маслаҳати билан якунлайди.

Рубоийдек ихчам жанрда бадиийликни таъминлаш учун ишлатиладиган образлар ҳар жиҳатдан мукамал бўлмаса, рубоийда ифодаланаётган ғояни, унинг ҳаётий таъсирчанлигини етказиб бериш мушкул. Ҳамза рубоийларида анъанавий ва кенг тарқалган ишк, ёр, висол, зулф каби образлар билан бирга сабр, тақво, ирода ва ақл каби образлар ҳам кенг қўлланилади. Бу албатта дидактик руҳдаги рубоийларнинг адади кўплиги билан ҳам боғлиқ.

Ҳамза қитъа жанрида ҳам баракали ижод қилди. Аксарият қитъалари диний-фалсафий руҳда ёзилган бўлиб, улар ҳажм жиҳатдан турли хил. Яна бир ўзига хос жиҳати ҳудди рубоий ва ғазаллари каби Ҳамза қитъаларининг ҳам айримларига сарлавҳа қўйилган. Лекин сон жиҳатдан сарлавҳа қўйилмаган ва

¹⁷ 1956, Ҳамза Шноарӣ, Ғзונה, Пинаур

¹⁸ Таржима муаллифники

¹⁹ 1956, Ҳамза Шноарӣ, Ғзונה, Пинаур

²⁰ Таржима муаллифники

тўрт мисралик қитъалари катта ҳажмни эгаллайди. Уларнинг мавзу кўлами ҳам анча кенг. Қитъалари орасида ҳам ватанпарварлик руҳида ёзилганлари талайгина. Бу баъзан тилга эътибор, баъзан пуштун миллатининг машҳур тарихий шахсларини улуғлаш орқали ифодаланади. Мисол тариқасида қуйидаги қитъани олишимиз мумкин. Унда шоир миллатни барҳаётлигини таъминлаш учун унинг тилини ривожлантириш керак, деган ҳақли хулоса чиқаради.

چې پښتو يې محبوبه وي پښتون دا دى
چې همه لیلی لیلی شی مجنون دا دى
راشه پوهې دى چې په راز د مرگ او ژوند کړم
چې مړه نه شی خپله ژبه ژوندون دا دى²¹

Таржима: “Пушту тилини севган инсон бу – пуштундир
Бутун олам Лайли бўлса у Мажнундир.

Кел, сенга ўлим ва ҳаёт сирини тушунтираман –

Ўз тилини йўқотмаган миллат барҳаётдир.”

Яна бир миллатпарварлик руҳида ёзилган қитъасида шоир машҳур пуштун шоири ва давлат арбоби Хушҳолхон Хаттакни идеал шахс сифатида кўрсатишга ҳаракат қилади.

غيرت ورسره پت د شجاعت سره حکمت
چې دا څلور عنصر وی تري جورپړی خوشحالخان
هغو ته می راکښلي په الفاظو کښي تصوير
د چا په وینو زرونو چې ورپړی خوشحالخان²²

Таржима: “Ғурур, номус, шижоат ва ҳикмат

Шу тўрт унсурдан яратилган Хушҳолхон.

Унга мен сўзлардан суръат чиздим,

Кимнинг қалби уйғоқ бўлса, у Хушҳолни танийди.”

Қитъалари орасида миллий-ватанпарварлик ғояларидан ташқари панд-насихат руҳидаги қитъалар, ижтимоий-маиший масалаларга бағишланган қитъалар, диний-тасаввуфий ғояларга ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга бағишланган қитъалар ҳам мавжуд. Шоирнинг “Сенинг Сифатинг” сарлавҳали қитъаси яратганнинг сифатларинини улуғлашга бағишланган.

په گلونو کښي خندان دى ستا صفت
په بلبلو کښي گريان دى ستا صفت
روح د میو په وجدان دى ستا صفت

حمزه شنواري ، کلیات پنجم جلد ، بیسنور- ۱۹۹۷م ، ۴۴۶ مخ 21

حمزه شنواري ، کلیات پنجم جلد ، بیسنور- ۱۹۹۷م ، ۴۴۷ مخ 22

ما به خوان كاندی خوان دی ستا صفت
شهسوار د تحیل شو زما ستیری
ناتمامه بیابان دی ستا صفت²³

Таржима: “Гулларнинг хандон отишидир Сенинг Сифатинг
Булбулларнинг ноласидир Сенинг Сифатинг
Виждон рухининг илҳомидир Сенинг Сифатинг
Мени ёшартирган ҳам Сенинг Сифатинг
Менинг чарчоқларим хаёллар шоҳсувори бўлди
Чексиз биёбондир Сенинг Сифатинг”

Ушбу қитъа йигирма икки мисрадан иборат бўлиб, қолган мисраларда ҳам шоир худонинг сифатларини табиат ҳодисалари билан боғлашга ҳаракат қилади. Ўқувчи қитъа мазмунини тўғри маънодаги ёр сифати ифодаланган, деб ҳам тушуниши мумкин. Лекин қуйидаги мисра таъриф тангрининг сифатлари ҳақида эканлигига ўқувчини ишонтиради:

هر ويينته می ستا ثنا لره زبان کره
خو تراوسه می ارمان دی ستا صفت²⁴

Таржима: “Ҳар уйғонганимда Сенга сано ўқийман
Лекин ҳануз армондир Сенинг Сифатинг”

Юқоридаги мисрада шоир “сифат” сўзини “васл” сўзига яқин маънода ифодалаган бўлиши мумкин. Чунки тариқат аҳли орасида “Ёр васли” анча ишлатиладиган тушунча. Ёр васлининг армон бўляётганини эса рамзий маънода тушуниш лозим. Ушбу қитъанинг яна бир ўзига хос жиҳати шоир сўнгги байтда ғазалдаги каби ўз исмини келтириб ўтади:

جمعیت که د حمزه د خاطر اوکری
نه ده بنه چي پریشان دی ستا صفت²⁵

Таржима: “Жамоат гар Ҳамзани ёдга олганларида
Сенинг Сифатингни унутсалар яхши эмас”

Ҳамза Шинворий анъанавий жанрларнинг ҳажм жиҳатидан энг кичиги ҳисобланадиган фард жанрида ҳам ўз маҳоратини синаб кўрди. Шоирнинг куллиётида унинг олти дона фарди берилган. Улар адади жиҳатдан кўп бўлмасида, мазмунан жуда бой ва ҳар бири ҳикматли сўз каби ўзида бир олам маъно жамлаган. Қуйида улардан бир нечтасини келтираамиз.

وسواس وهلی نه شی پر چي مینه زره ته راشی
هوا داخله کور کبني ماشی ونبنلی په جال کبني²⁶

²³ حمزه سنواری ، کلیات پنجم جلد ، بیسنور - ۱۹۹۷م ، ۴۵۵ مخ

²⁴ حمزه سنواری ، کلیات پنجم جلد ، بیسنور - ۱۹۹۷م ، ۴۵۵ مخ

²⁵ حمزه سنواری ، کلیات پنجم جلد ، بیسنور - ۱۹۹۷م ، ۴۵۶ مخ

²⁶ حمزه سنواری ، کلیات پنجم جلد ، بیسنور - ۱۹۹۷م ، ۴۵۴ مخ

Таржима: “Муҳаббат кирган қалбни васвос безовта қила олмайди
Ҳаво кириб турадиган уйда чивин тўрга илинмайди”.

Ҳамза муҳаббатни мусаффо ҳавога қиёслаб ўзига хос ўхшатиш яратган. Биринчи мисрани иккинчи мисра билан далиллаш орқали шоир ўз фикрини исботламоқчи бўлади. Бир қарашда иккинчи мисрадаги фикр асосиздай туйилади. Ҳаво кирадиган уйга ҳам чивин кириши ва тўрга илиниши мумкин. Лекин шоир айтмоқчи бўлган фикр – агар хона ҳавоси алмашиб турса, у ерда ўргимчак ин қурмайди ва чивин тўрга илиниши учун шароит бўлмайди. Шу каби муҳаббат кирган юракда ҳам васвос ин қуриши учун шароит бўлмайди.

مستقبل خو هله رون شي د قامونو
چي يي حال ته بوگنيدي ماضي ياد وي²⁷

Таржима: “Халқларнинг келажаклари ҳозир маълум (аён) бўлса,
Тарихни ёдга олиб ҳайратдан ёқа ушлайдилар”

Бу фардни турли маъноларда талқин қилиш мумкин. Шулардан энг асосийси сифатида айтиш мумкинки, тарих қайтарилади. Келажакда ҳам низолар ва ўзаро урушлар давом этади, ўтмишдаги каби давлатлар парчаланadi, улар ўрнида янги давлатлар, янги тузумлар шаклланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, XX асрнинг 40-50-йиллари пушту адабиётининг бурилиш нуқтаси бўлди. Бунда анъанавий шарқ адабиёти билан замонавий (ғарб) адабиёти тўқнашди. Ҳамза Шинворий пушту мумтоз адабиётининг вориси бўлиб майдонга чиққан бўлсада, замонавий адабиёт тушунчаларини, унинг ўзига хос, ҳаётий мавзуларини кўп асрлар давомида шаклланиб келган анъанавий адабиётга олиб кира олди.

²⁷ حمزه شنواري ، كليات پنجم جلد ، پيڤنور - ۱۹۹۷ م ، ۴۵۴ مخ